

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019. Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

ХАЗРАТОВ АЛИШЕР НОРМУРОДОВИЧ

**ГРУНТ ЎЗАНЛИ СУҒОРИШ КАНАЛЛАРИНИНГ ГИДРАВЛИК
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Хазратов Алишер Нормуродович

Грунт ўзанли суғориш каналларининг гидравлик ҳисобини
такомиллаштириш..... 3

Хазратов Алишер Нормуродович

Совершенствование гидравлического расчета оросительных каналов в
земляных руслах..... 21

Khazratov Alisher Normurodovich

Improving the hydraulic calculation of earthen irrigation
canals..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019. Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

ХАЗРАТОВ АЛИШЕР НОРМУРОДОВИЧ

**ГРУНТ ЎЗАНЛИ СУҒОРИШ КАНАЛЛАРИНИНГ ГИДРАВЛИК
ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T1490 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари ва Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтларида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арифжанов Айбек Мухамеджанович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Файзиев Хамитхон
техника фанлари доктори, профессор

Маликов Зафар Маматқулович
техника фанлари доктори

Етакчи таъсилот:

Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 03/30.12.2019. Т.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «25» 11 2020 й. соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871)-237-19-61, 237-22-09, факс: 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (139 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил 100000, Тошкент ш., Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел. (+99871)-237-19-45. e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «07» кунни тарқатилди.
(2020 йил «07» 11 даги №7 рақамли реферат баённомаси).



Т.З.Султанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.А.Янгинев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.д., профессор

Д.Р.Базаров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий
семинар раиси т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда грунт ўзанли ирригация тармоқларини қуриш ва эксплуатация қилиш харажатларини камайтириш, уларнинг техник ишончлилигини ошириш, лойқа босишини башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини оширишнинг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Шу жиҳатдан, каналларнинг эксплуатацион ишончлилигини ошириш ва лойқа босиш жараёнини камайтиришга қаратилган параметрларини замонавий ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан АҚШ, Хитой, Россия, Германия, Австралия, Нидерландия, Канада ва бошқа давлатларда очиқ ўзанли каналларни лойиҳалашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш орқали уларнинг эксплуатация давомида деформацияланишининг олдини олиш масалаларига асосий эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда суғориш тармоқларида ўзан жараёнига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни камайтиришнинг самарали технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада суғориш каналларида эксплуатация давомида рўй берадиган табиий жараёнлар тўғрисида аниқ хулосалар берадиган ва лойиҳалаш жараёнида муҳим қарорлар қабул қилиш имконини берадиган оқимдаги лойқа узатиш қобилятини математик ва гидравлик моделларини ишлаб чиқиш орқали канал гидравлик параметрларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирда республикамизда халқ хўжалиги тармоқларини сувга бўлган талабини қондириш мақсадида ирригация тармоқларини қуриш ва модернизация қилишнинг муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олган ҳолда, улардан бўладиган сув исрофини, лойқа босишини олдини олиш, мавжуд суғориш тармоқларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш имкониятларини берувчи гидравлик моделларни, янги замонавий усулларни яратишга катта эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “.....суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш, уларнинг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш” вазифасини бажариш юклатилган¹. Ушбу муҳим вазифани бажаришда очиқ ирригация тармоқларини техник соз ҳолда самарали эксплуатация қилиш имконини берадиган, каналларни қуриш ва

¹2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони

реконструкция қилиш жараёнида энг қулай гидравлик параметрларни қабул қилишга қаратилган лойиҳалашнинг муҳим таркиби ҳисобланган гидравлик ҳисоблашни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори, 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган” Концепцияси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Статик ва динамик мустаҳкам каналларнинг гидравлик ҳисобига доир изланишлар С.Т.Алтунин, С.Х.Абальянц, Ц.Е.Мирцхулава, К.В.Гришанин, А.Н.Гостунский, Ю.А.Ибадзаде, Е.К.Рабкова, В.К.Дебольский, К.Ш.Латипов, А.М.Мухамедов, Р.М.Каримов, Х.Ишанов, А.Арифжанов, А.М.Фатхуллаев ва бошқа кўплаб муаллифлар томонидан олиб борилган бўлиб, грунт ўзанли каналларни лойиҳалашдаги параметрларини аниқлашнинг турли усуллари таклиф этилган.

Ҳозирги пайтда оқимнинг ташувчанлик қобилиятини аниқлаш ва каналлардаги деформация жараёнларини башоратлаш бўйича М.А.Великанов, В.Н.Гончаров, Г.В.Железняков, И.И.Леви, В.В.Пославский, Г.С.Чекулаев, Г.О.Хорст, А.Н.Гостунский, А.Г.Хачатрян, С.Х.Абальянц, В.К.Дебольский, К.Ш.Латипов, Э.Ж.Махмудов, А.М.Арифжанов, Д.Р.Базаров, С.С.Эшев, Engelund-Hansen, Meyer-Peter ва Muller, Ackers-White, Brownlie, Toffaletti, Yang, Van Rijn ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган усуллар қўлланилиб келинмоқда.

Олиб борилган изланишларга қарамай, республикада очик грунт ўзанли ирригация тармоқларини эксплуатация қилиш харажатлари юқорилигича ва фойдали иш коэффициентини ошириш муаммолигича қолмоқда. Каналларни лойиҳалаш, реконструкция қилиш ва қуриш билан боғлиқ масалаларни ечишга мўлжалланган мавжуд гидравлик ҳисоблаш усулларида оқим ва оқизиклар параметрларининг ўзгарувчанлигини инобатга олиб, гидравлик моделлаш асосида гидравлик ҳисоблаш усулларины такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш

муҳандислари институтининг 19/2007-сонли «Магистрал каналларда лойқа босиши жараёнларини табиий-дала шароитида тадқиқ қилиш ҳамда уларни каналнинг эксплуатацион параметрларига таъсирини баҳолаш («Аму-Қашқадарё» ИТХБ мисолида)» (2007-2009); 19/2007 сонли «Экспериментал ирригация тизимларидаги гидротехника иншоотлари ва гидростларни эксплуатация қилиш тизимини табиий-дала шароитидаги тадқиқотлар асосида такомиллаштириш. (Паркент и Миришкор каналлари мисолида)» (2007-2009); КХА-7-079-I «Ирригация тизимларидаги магистрал каналларнинг техник параметрларини такомиллаштириш» (2010-2011); Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг 5/2013–сонли “Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларининг самарадорлигини ошириш бўйича илмий-техник ечимларни ишлаб чиқиш” илмий-тадқиқот иши, 15/2017-сонли «Магистрал каналлар гидротехник иншоотлардаги жараёнларни ўрганиш, юқори бўёфлардаги лойқа босиш ҳолатлари ва уларни олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади грунт ўзанли суғориш каналларининг гидравлик ҳисобини оқим гидравлик параметрларининг ўзгарувчанлигини ва оқимнинг ташувчанлик қобилятини ҳисобга олиб такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориш каналларидаги деформация жараёнларини ва уларни келтириб чиқараётган омилларни баҳолаш;

динамик мустаҳкам канал параметрларининг гидравлик ҳисобини оқимнинг ташувчанлигини инобатга олиб гидравлик моделини ишлаб чиқиш;

суғориш каналлари қўндаланг кесимидаги эрозион ва аккумулятив жараёнларни табиий дала шароити ва лабораториядаги тадқиқоти;

суғориш каналларининг гидравлик параметрларини ҳисоблаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Қашқадарё вилоятидаги “Аму-Қашқадарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли Миришкор канали қабул қилинган.

Тадқиқотнинг предмети грунт ўзанли каналларни эксплуатация давомидаги гидравлик параметрлари, канал ўзани деформациялари билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида гидравлика ва гидрологияда умум қабул қилинган услублардан, тизимли таҳлил, гидравлик ва компьютер моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

грунт ўзанли канални гидравлик ҳисоблаш усули, эксплуатация даврида оқим параметрларининг ўзгарувчанлигини ва ташувчанлигини инобатга олиб такомиллаштирилган;

динамик мустаҳкам каналларда оқимнинг нисбий ташувчанлик қобилятини ҳисоблаш усули оқизикларнинг энергетик ҳолатини инобатга олиб такомиллаштирилган;

грунт ўзанли канал параметрларини ҳисоблаш алгоритми оқизиклар

таркибий қисмини инобатга олиб ишлаб чиқилган;

грунт ўзанли каналларда канал кўндаланг кесимининг нисбий деформация миқдорини прогнозлаш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

грунт ўзанли суғориш каналларининг эксплуатация даврида оқим ўзгарувчанлигини ва ташувчанлигини инобатга олиб такомиллаштирилган гидравлик ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

канал ўзанидаги деформацияларни прогноз қилиш ҳисобига грунт ўзанли суғориш каналларини лойиҳалашда энг қулай канал ўлчамларини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

оқизиклар транспортини моделлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган канал кўндаланг кесимининг нисбий деформация миқдорини баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий тадқиқотлар натижаларининг механика қонунларига мослиги ва синалган математик усуллардан фойдаланилганлиги, ҳисобланган қийматларнинг лаборатория ва табиий дала шароитида тажрибада олинган қийматлар билан қиёсий солиштирилганлигида бир бирига яқинлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти каналларнинг кўндаланг ва бўйлама кесим бўйича деформациясини тадқиқ қилиш асосида динамик мустаҳкам канал параметрларини аниқлашда каналлар гидравлик ҳисобининг янги алгоритминини ҳамда оқизиклар таркибий қисмини инобатга олиб, оқимнинг ташувчанлик қобилятини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилаётган канал параметрларини ҳисоблаш усулини қўллаш орқали суғориш каналларининг эксплуатация даврида содир бўладиган деформацияларнинг камайиши ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Грунт ўзанли суғориш каналларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

оқимнинг лойқа ташувчанлик қобилятини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган гидравлик ҳисоблаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли Миришкор ирригация тизими бошқармасида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 11 июндаги 04/20-1726-сон маълумотномаси). Натижада, суғориш каналининг эксплуатация шароитида деформация жараёнларини прогнозлаш имконияти яратилган;

динамик мустаҳкам канални гидравлик ҳисоблаш усулидан фойдаланиш бўйича тавсиянома Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 11 июндаги 04/20-1726-сон маълумотномаси).

Натижада, Миришкор каналини лойқадан тозалаш ишларини камайтириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилган;

грунт ўзанли канал параметрларини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилиб Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги “UZGIP” МЧЖ, “Гидропроект” АЖ ва “Оқсув–Зарафшон ирригация” МЧЖларда жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 11 июндаги 04/20-1726-сон маълумотномаси). Натижада, суғориш каналларини лойиҳалаш ишончилигини ошишига эришилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари республика ва ҳалқаро анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган ҳамда 1 та электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг зарурлиги ва долзарблиги асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари кенг очиб берилиб, тадқиқот натижаларини жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Грунт ўзанли ирригация каналларида назарий ва амалий тадқиқотлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида грунт ўзанли каналларни гидравлик ҳисоблашга доир тадқиқотларнинг аналитик таҳлили келтирилган. Шунингдек, оқимнинг ташувчанлик қобилятини ҳисоблаш усуллари бўйича бажарилган илмий тадқиқот ишлари таҳлили келтирилган.

Грунт ўзанли каналларни гидравлик ҳисоблашга доир С.Х.Абальянц, К.В.Гришанин, В.С.Алтунин, А.Н.Гостунский, Ю.А.Ибадзаде, Р.М.Каримов, К.Ш.Латипов, А.М.Мухамедов, Kennedy, Chang, Brebner ва Wilson, Yang, White, Better ва Paris, Shields, Lane каби олимларнинг илмий ишлари аналитик таҳлил этилган. Оқимнинг ташувчанлик қобилятини ҳисоблаш усуллари бўйича М.А.Великанов, В.Н.Гончаров, И.И.Леви, А.Н.Гостунский, А.Г.Хачатрян, Е.А.Замарин, Қ.Ш.Латипов, А.М.Арифжанов, А.М.Фатхуллаев,

С.С.Эшев, Englund-Hansen, Meyer-Peter ва Muller, Ackers-White, Brownlie, Toffaletti, Yang, Van Rijnларнинг тадқиқотлари таҳлилидан динамик мустаҳкам каналларни гидравлик ҳисобини амалга оширишда оқимнинг ташувчанлик қобилятини инобатга олиш лозимлиги асосланганлиги баён этилган.

Гидравлик мустаҳкам каналларни лойиҳалашда Kennedy томонидан режим усули, Chang томонидан минимал оқим қуввати, Brebner ва Wilson, Yang каби олимлар томонидан минимум энергия диссипацияси, White ва бошқалар томонидан максимум оқизик узатиш қобиляти бўйича моделлар таклиф қилинган.

Тадқиқотлар таҳлили грунт ўзанли ирригация тармоқларини ҳисоблашнинг фойдаланиб келинаётган усулларида оқим ва оқизик параметрларининг (сув сарфи, оқизик концентрацияси, оқизикнинг фракцион таркиби, лойқа узатиш қобиляти, каналнинг кўндаланг кесими) йил мобайнида ўзгариши бўйича изланишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатди. Каналнинг гидравлик ҳисоблашда оқим ва оқизик параметрларининг йил мобайнида ўзгаришини ҳисобга оладиган ҳамда танланган оқимнинг ташувчанлик қобилятини ҳисоблаш усулидан самарали фойдаланиб, динамик мустаҳкам каналнинг параметрларини аниқлашнинг гидравлик моделини ишлаб чиқиш зарурияти мавжудлиги қайд этилган.

Юқоридаги таҳлиллар асосида ишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертация ишининг **“Динамик мустаҳкам канални ҳисоблашнинг гидравлик модели”** деб номланган иккинчи бобида эксплуатация даврида оқим параметрларининг ва канал ўлчамларининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда динамик мустаҳкам канал ўлчамларини аниқлаш имконини берадиган гидравлик ҳисоблаш усули баён қилинади.

Канал ўзанида юзага келадиган жараёнларни баҳолашда оқимнинг лойқа узатиш қобиляти – ташувчанлигини аниқлаш орқали ўзаннинг шаклланишини баҳолашга қаратилган изланишлар натижалари келтирилган. Оқизиклар сарфини аниқлашда чўқинди зарраларининг муаллақлашувида уларнинг энергетик ҳолатини инобатга олиб, оқимнинг ташувчанлик қобилятини баҳолашнинг такомиллашган усули ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу усул оқим ва оқизик параметрларини ўзгарувчанлигини инобатга олиш имконини беради.

Ушбу усулнинг ўзига хос жиҳатларидан бири оқизик фракцияларининг хусусиятлари, эксплуатация даврида оқим параметрлари ва канал ўлчамларининг ўзгаришини ҳисобга олишидир. Оқизик сарфини ҳисоблаш учун Аккерс ва Вайт, Бровнли, Энгелунд ва Хансен усулларини ривожлантирилиб ҳамда оқизик заррачаларнинг ҳаракат режимини Қ.Ш.Латипов, А.М.Арифжанов модели бўйича инобатга олиб, оқизик сарфини аниқлашнинг қуйидаги такомиллашган усули тавсия этилган:

$$q_s = c \left(\frac{U_*^f}{\beta_1 w_s} \left[\frac{g}{\sqrt{32} \lg \left(\frac{10h}{d_i} \right)} \right]^{1-f} - 1 \right)^m v d_i \left(\frac{g}{U_*} \right)^f \quad (1)$$

бунда:

g – оқимнинг ўртача тезлиги; h – оқим чуқурлиги;

w_s – гидравлик йириклик; d_i – заррача диаметри;

U_* – динамик тезлик; β_1 , f , m , ва c – оқизик заррачасининг фракцион таркибига ва ҳаракат режимига боғлиқ коэффицентлар.


Олиб борилган тадқиқотлар асосида грунт ўзанли канални ҳисоблашнинг гидравлик модели ишлаб чиқилди. Тавсия этилган такомиллашган ҳисоблаш усулида ҳар бир вақт интервали учун ҳисоблашлар аввалги вақт интервали мобайнида ўзгарган канал кўндаланг кесими ва оқим параметрларини ҳисобга олиб бажарилади. Ҳисоблар жадвал усулида ҳар бир вақт интервали учун оқизиклар фракцион таркибини инобатга олиб бажарилган(1-расм).

Диссертация ишининг **“Каналлардаги деформация жараёнларини табиий дала ва лаборатория шароитларида тадқиқотлари”** деб номланган учинчи бобида табиий дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги Миришкор канали танлаб олинди. Миришкор ирригация тизими бошқармаси тасарруфидаги Миришкор канали 1973 йилда қурилган. Миришкор каналининг умумий узунлиги 118,87 км, суғориш майдони 106 954 гектар. Бош қисмидаги лойиҳавий сув ўтказиш қобиляти $149,9 \text{ м}^3/\text{с}$ ни ташкил қилиб, Қарши магистрал каналидаги тўртинчи ва бешинчи насос станциялари оралиғидаги ПК657+50 да жойлашган бош иншоотдан сув олади.

Миришкор каналининг бош қисмида лойиҳавий максимал сув сарфи $Q = 149,9 \text{ м}^3/\text{с}$ бўлгани ҳолда тадқиқот олиб борилган 2011-2018 йиллар мобайнида берилган сув сарфлари асосан $35-100 \text{ м}^3/\text{с}$ оралиғида ўзгарганлигини кўриш мумкин. Кўп йиллик эксплуатация мобайнида деформацион жараёнлар натижасида каналнинг сув ўтказиш қобиляти 30 фоизгача камайган.

Канал қуриш ва айниқса деформацияланган грунт ўзанли каналларни реконструкциялаш учун гидравлик ҳисоблашда сув сарфи, лойқа концентрацияси ва фракцион таркиби каби йил мобайнида ўзгардиган параметрларга эга грунт ўзанли ирригация тармоғи каби динамик тизимни ўзгармас бошланғич маълумотлар билан фақатгина статик мустақамликка текшириш етарли бўлмаслигини эксплуатация қилинаётган ирригация тармоқларининг ҳозирги пайтдаги техник ҳолати кўрсатиб турибди.



1-Расм. Динамик мустаҳкам канални ҳисоблаш гидравлик моделининг блок схемаси

Оқизик транспортини моделлаштиришда грунт ўзанли каналларнинг бирор участкасида ўзан деформациясининг ҳажмий ўзгаришини оқизик сарфининг тенгламаси орқали аниқланганидан сўнг канал кўндаланг кесими бўйлаб тақсимотини аниқлаш лозим бўлади. Ҳар бир ҳисоблаш интерваллари учун қабул қилинадиган бошланғич ўзан шакли оқим параметрлари ўзгаришига катта таъсир кўрсатади.

Кўпгина моделлаш дастурларида деформацион ўзгаришларнинг вертикаллар бўйича оқим чуқурлигига тўғри пропорционал тақсимоти қабул қилинган. Аммо бундай тақсимотда прогноз қилинадиган каналнинг кўндаланг кесим шакли тадқиқотларда олинган ўзан шаклларида фарқ қилади.

Шунинг учун, Миришкор каналидаги табиий шароитда олиб борилган тадқиқотларда асосан ўзаннынг лойка босиши ҳисобига деформацияланиши кузатилди. Канал участкасидаги ўртача деформацияланган юзани қуйидаги формула билан прогнозлаш мумкин:

$$\Delta\omega = W_{\text{жами}} / l, \text{ м}^2 \quad (2)$$

бунда

$W_{\text{жами}}$ – вақт интервалида чўккан ёки ювилган оқизик ҳажми, м^3 ;

l – ҳисобланаётган канал участкаси узунлиги, м ;

Деформацияланган юза $\Delta\omega$ нинг лойихавий юза ω га бўлиб нисбий деформацияланган юза D аниқланади:

$$D = \Delta\omega / \omega \quad (3)$$

Канал кесимининг бирор бир вертикалидаги деформация чуқурлиги Δh нинг шу вертикалдаги лойихавий оқим чуқурлиги h га нисбати эса нисбий деформация чуқурлиги η ни ифодалайди:

$$\eta = \Delta h / h \quad (4)$$

Нисбий деформация чуқурлигининг нисбий деформацияланган юзага тўғри пропорционалликдан фойдаланиб, канал кесимининг бирор бир вертикалидаги деформация чуқурлиги Δh ни қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\Delta h = \alpha \frac{\Delta\omega \cdot h}{\omega} \quad (5)$$

бунда α – деформацияланган юзанинг кесим бўйича тақсимланиш коэффициентини.

Миришкор каналидаги олиб борилган тадқиқотлар асосида деформацияланган юзанинг кесим бўйича тақсимланиш коэффициентларининг қийматлари аниқланди. Миришкор каналининг кузатилган участкаларида α коэффициентининг қиймати, тубдаги вертикалларда $0,4 \div 1,0$ оралиғида, каналнинг икки ён томонидаги вертикалларда эса $1,0 \div 3,0$ оралиғида ўзгарган. Ушбу кесимларда канал тубида $\alpha < 1$ бўлиб, оқим чуқурлигига нисбатан олиб қараганда лойка босиш камроқ, канал ён томонларида эса $\alpha > 1$ бўлиб, деформацияланиш катта миқдорда тақсимланганлигини кузатиш мумкин (2-расм).



2-расм. Миришкор каналидаги деформация коэффицентини ўзгариш графиги

Канал кўндаланг кесимида юзага келиши мумкин бўлган деформацион ўзгаришларни лаборатория шароитида ўрганилди.


Лаборатория қурилмаси гидравлик нов шаклида ясалган бўлиб, қуйидаги ўлчамларга эга: умумий узунлиги 11 м, кенглиги 2,5 м ва баландлиги 0,5 м.

Сув новнинг бош қисми 2 га айланма сув таъминотидан сув келтирувчи қувур 5 орқали етказиб берилади. Новнинг ишчи қисми 1 орқали ўтганидан сўнг сув пастки резервуар 3 га қуйилади. Сув оқимининг барқарорлаштириш учун новнинг бош қисмида панжара 8 мавжуд. Новга сув резервуар 4 дан таъминланиб, унга сув насос қурилмалари 14 орқали пастки резервуар 3 дан етказилади.

Каналга келаётган ва каналдан чиқаётган сарфларнинг бир хил бўлишини таъминлаш учун сувнинг бир қисми сув ташлаш қувурлари 7 орқали пастки резервуарга ташланди. Белгиланган сарфни ўрнатилганидан сўнг оқим затвор 11 ни ва сув келтирувчи қувурга ўрнатилган қулфаклар орқали маневрлаш орқали нов ишчи қисмида барқарор оқим шартлари бажарилиши таъминланади. Нов юқори қисмидаги тележкада лазерли дальномер ва шпитценмасштаб ўрнатилган бўлиб, тележканинг ўлчанаётган кўндаланг кесимда қўзғалмас ҳолатда туришини таъминлаш учун қискичлар билан жиҳозланган.

Канал кўндаланг кесимининг ювилиш жараёнида деформацион ўзгаришини тадқиқ қилишни мақсад қилиб олган ҳолда модел узунлиги

бўйича канал ўрта қисмида жойлашган 3 та кўндаланг кесимини танлаб олиб, барқарор оқим натижасида кўндаланг кесимнинг морфологик ўзгаришларини лазерли дальномер ва шпитценмасштаб ёрдамида ўлчов ишларини олиб бордик (3-расм).




3-расм. Лаборатория қурилмасининг схемаси

1- гидравлик нов, 2-новнинг бош қисми, 3-пастки резервуар, 4-юқори резервуар, 5-сув келтирувчи қувур, 6-босим қувури, 7- сув ташлаш қувурлари, 8-панжара, 9-тош тўкма, 10-ушлаб қолувчи “ҳамён”, 11-затвор, 12-металл рельслар, 13-тележка, 14-насослар, 15- трапецеидал канал модели

Бунда нов бошидан кўпайиб бориш тартибида ҳар бир такрорланишда 6 соат мобайнида сув қўйилиб, ҳажмий усулда сув сарфлари ўлчаб борилди. Сўнг сув тўхтилганидан сўнг каналнинг танланган кесимларида ювилиш натижасида деформацияланган, берилган сув сарфи учун шаклланган кесимнинг геометрик ўлчамлари аниқланди.

Деформациянинг кесим бўйича тақсимланиш коэффициентининг қийматлари бизга грунтли ўзанларда ўзан ювилиши жараёнида ҳам лойка босиши жараёнига ўхшаш ҳолда оқим чуқурлигига нисбатан олиб қаралганда ўзан ён қирғоқларида деформацияланиш (яъни ювилиш) миқдори ўзан тубига нисбатан катта қийматларда содир бўлади деб хулоса қилиш имконини берди (4-расм).

Олиб борилган табиий дала ва лаборатория шароитидаги тадқиқотлар асосида тўпланган маълумотлар асосида тавсия этилган гидравлик ҳисоблаш усули баҳоланди. Оқизик сарфини аниқлаш бўйича тавсия этилган ҳисоблаш усули Аккерс ва Вайт, Бровнли, Энгелунд ва Ҳансен усуллари билан ва дала тадқиқотларида олинган маълумотлар билан қиёсий баҳоланган. Қиёсий баҳолаш асосида таклиф этилаётган усулни ҳисоблаш ишларида фойдаланиш имконияти юқорилиги асосланган (1-жадвал).



4-расм. Лаборатория шароитида аниқланган деформация параметрларини ўзгариши


Оқизик сарфини аниқлаш усулларини қиёслаш жадвали

Параметрлар	Ўлчов маълумотлари манбаси						
	АҚШ геол. хизм., Небраска дарёси	Chitale S.V., канал	Миришкор канал	Chaudhry, канал	Toffaletti, F.B., дарё		
q_s , ўлчанган, $кг/м^3$	1,900	1,490	1,270	0,663	0,499	0,170	0,080
Аккерс ва Вайт усули							
q_s , ҳисобланган, $кг/м^3$	2,315	99,043	4,841	0,283	0,169	0,123	0,114
Фарқ, фоизда	21,8	6547,2	314	-57,3	-66,0	-28,1	42,1
Энгелунд ва Хансен усули							
q_s , ҳисобланган, $кг/м^3$	3,117	0,224	0,112	0,277	0,151	0,116	0,114
Фарқ, фоизда	64,0	- 85,0	90	- 58,2	- 69,8	-32,0	42,3
Бровнли усули							
q_s , ҳисобланган, $кг/м^3$	1,512	1,451	1,052	0,574	0,409	0,307	0,585
Фарқ, фоизда	-20,4	-2,6	17	-13,3	-18,3	80,3	627,2
Такомиллашган усул							
q_s , ҳисобланган, $кг/м^3$	1,977	1,254	1,340	0,556	0,426	0,148	0,068
Фарқ, фоизда	4.1	-15.8	5,2	-16.1	-14.7	-12.7	-14.8


Диссертациянинг “Грунт ўзанли каналларда ўзан деформацияларини прогнозлаш” деб номланган тўртинчи бобида грунт ўзанли канал параметрларини ҳисоблашда манбадан олинаётган сув ва оқизик сарфининг кўп йиллик ўзгариш динамикасини ҳисобга олиб, канал ўзанининг эксплуатация давридаги морфологик ўзгаришларини прогнозлаш усули НЕС-RAS моделлаш дастури асосида динамик мустаҳкам каналнинг параметрларини ҳисоблаш имконини берадиган гидравлик модел таклиф этилди.

Миришкор каналининг ПК9+50 дан ПК19 гача бўлган қисмидаги 950 метр узунликдаги канал участкасидаги кузатилган сарф қийматлари ва канал ўлчамларининг лойиҳавий қийматлари асосида канал туби сатҳининг эволюцион ўзгаришини НЕС-RAS дастури ёрдамида прогнозлаш натижаларидан йирик заррали фракциялар асосан каналнинг юқори қисмида чўкиб қолиши ҳисобига канал тубининг умумий нишаблиги ошиб бориши тенденциясини кузатиш мумкин (5,6-расмлар).

Канал параметрларининг эксплуатация жараёнида ўзгаришини мавжуд моделлаш тизимлари орқали прогнозлаш билан канални таъмирлашда тавсия этилган усуллар асосида канал параметрларини аниқлаш лозимлиги тавсия этилган.



5-Расм. Миришкор каналида ўзанининг ўзгаришларини башорати (оқим йўналиши ўнгдан чапга)



6-Расм. Миршкор каналида канал туби сатҳининг ўзгаришини прогнозлаш натижалари (оқим йўналиши ўнгдан чапга)

Олиб борилган тадқиқотлар асосида таклиф этилган тавсиялар Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги Миршкор ирригация тизимида фойдаланишга топширилган. Иқтисодий самарадорлик ирригация тизимларини лойқаликдан тозалаш ҳажмини камайтириш ҳисобига эришилган.

ХУЛОСА

“Грунт ўзанли суғориш каналларининг гидравлик ҳисобини такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Олиб борилган назарий ва экспериментал изланишлар таҳлилига кўра грунт узанли каналларнинг параметрларини аниқлашда, оқим ва оқизик параметрларининг (сув сарфи, оқим лойқалиги концентрацияси, оқизикнинг фракцион таркиби, лойқа узатиш қобилияти, каналнинг кўндаланг кесими) йил мобайнида ўзгаришини инобатга олиш лозимлиги асосланди.

2. Канални гидравлик ҳисоблаш жараёнида оқизикларнинг энергетик ҳолатини инобатга олиб оқимнинг ташувчанлик қобилиятини баҳолаш усули ишлаб чиқилди, таклиф этилган усул қиёсий баҳоланди. Ўлчанган ва ҳисобланган қийматларнинг фарқи 7-8 % ни ташкил қилди. Бу оқим

параметрлари ва оқизик сарфини ўзгарувчанлигини инобатга олиш имконини берди.

3. Канал кўндаланг кесим параметрларини ўзгаришини баҳолашнинг гидравлик ҳисоблаш усули ва алгоритми оқизиклар таркибий қисмини инобатга олиб ишлаб чиқилди. Натижада канал гидравлик ҳисобининг рақамли технологияларга асосланган ҳисоблаш усулини яратиш имконини берди.

4. Олиб борилган табиий ва лаборатория шароитидаги тадқиқотлар таҳлили асосида динамик мустаҳкам канал кесими деформация миқдорини аниқлаш усули оқимнинг ташувчанлик қобилиятини инобатга олиб ишлаб чиқилди. Бу эса каналнинг сув ўтказиш қобилиятини ошириш учун реконструкциялаш параметрларини ишлаб чиқиш имконини берди.

5. Грунт узанли канал параметрларини ҳисоблашда сув ва оқизик сарфининг кўп йиллик ўзгариш динамикасини ҳисобга олиб, канал ўзанининг эксплуатация давридаги морфологик ўзгаришларини прогнозлаш усули HEC-RAS моделлаш дастури асосида такомиллаштирилган. Натижада динамик мустаҳкам каналнинг параметрларини ҳисоблаш имконини берадиган гидравлик модели таклиф этилди.

6. Грунт узанли каналлардаги нисбий деформация миқдорини оқизиклар сарфини ўзгарувчанлигини инобатга олиб ҳисоблаш модели ишлаб қилди. Бу эса динамик мустаҳкам каналларни реконструкция қилишда деформация ҳажмини аниқлаш имконини беради.

7. Грунт ўзанли канал параметрларини ҳисоблаш усули Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли Миришкор каналида тадбиқ этилган бўлиб, лойқадан тозалаш ишларини камайтириш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/30.12.2019. Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ХАЗРАТОВ АЛИШЕР НОРМУРОДОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ГИДРАВЛИЧЕСКОГО РАСЧЕТА
ОРОСИТЕЛЬНЫХ КАНАЛОВ В ЗЕМЛЯНЫХ РУСЛАХ**

05.09.07 – Гидравлика и инженерная гидрология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана № В2019.4.PhD/Т1490.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства и Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiame.uz) и на Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Арифжанов Айбек Мухамеджанович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Файзиев Хамитхон
доктор технических наук, профессор
Маликов Зафар Маматкулович
техник доктор технических наук

Ведущая организация:

Ташкентский государственный транспортный университет

Защита диссертации состоится «25» 11 2020 г. 16⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc. 03/30.12.2019. Т.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г.Ташкент, ул. Кары-Ниязий, д.39. Тел. (+99871)-237-19-61, 237-22-09, факс: 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz.

С докторской диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрировано № 139). Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары-Ниязий, д.39. Тел. (+99871)-237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Автореферат диссертации разослан «07» 11 2020 г.
(протокол рассылки № 139 «07» 11 2020 г.)



Т.З.Султанов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н.

А.А.Янгиев

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Д.Р.Базаров

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире одной из актуальных задач является снижение затрат на строительство и эксплуатацию ирригационных сетей в земляных руслах, повышение их технической надежности, разработка методов прогнозирования заиления и повышения эффективности комплексного использования водных ресурсов. В связи с этим, особое внимание уделяется разработке современных методов расчета параметров, направленных на снижение процесса заиления и повышение эксплуатационной надежности каналов. В этой связи, в том числе в США, Китае, России, Германии, Австралии, Нидерландии, Канаде и других странах, особое внимание уделяется задачам предотвращения деформации в течении эксплуатации путем разработки и развития эффективных методов проектирования открытых каналов.

В мире особое внимание уделяется проведению целенаправленных научно-исследовательских работ по определению факторов, отрицательно влияющих на русловые процессы в оросительных сетях и разработке эффективной технологии снижения их. В этой связи, одной из важных задач является совершенствование методов расчета гидравлических параметров канала, разработав математические и гидравлические модели транспортирующей способности потока, дающие возможность принятия важных решений в процессе проектирования и точных выводов о происходящих естественных процессах в течении эксплуатации в оросительных каналах.

В настоящее время, в республике в целях удовлетворения потребности в воде сетей народного хозяйства, учитывая особые значения строительства и модернизации ирригационных сетей, предотвращения заиления, потерь воды, большое внимание уделяется созданию новых современных методов гидравлических моделей, дающих возможность совершенствования способов расчета, а также определения факторов, влияющих на эффективное использование существующих оросительных сетей. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы намечено выполнение задачи «улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель, развития ирригационных и мелиоративных объектов, обеспечения их безопасной и стабильной работы, рационального и экономного использования водных ресурсов и на этой основе достижения устойчивости производства сельскохозяйственных продуктов»². При выполнении этой важной задачи считается важным совершенствование гидравлического расчета, которое является важным компонентом проектирования, направленным на принятие оптимальных гидравлических параметров в процессе строительства и реконструкции каналов, что позволит эффективно эксплуатировать открытые ирригационные сети.

²2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит осуществлению задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента от 25 сентября 2017 года №ПП-3286 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», «Концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» от 10 июля 2020 года №УП-6024, а также других задач, намеченных в нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Исследования выполнены в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

